



MOTURIDIYLIK

THE MATURIDIYYA - الماتريدية - МАТУРИДИЗМ

Narsalarning asl mohiyatini
bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,
rost xabar va aqlidir.



MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

- Музаффар КОМИЛОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент
- Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ** – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий
- Шоазим МИНОВАРОВ** – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори
- Давронбек МАХСУДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент
- Зоҳиджон ИСЛОМОВ** – филология фанлари доктори, профессор
- Аҳаджон ҲАСАНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор
- Шовосил ЗИЁДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент
- Жамолиддин КАРИМОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
- Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ** (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори
- Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ** (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори
- Назир Мухаммад АЙЁД** (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азхар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси Бош котиби
- Режеп ТУЗЖУ** (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридий тадқиқот маркази директори
- Аширбек МУМИНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси
- Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ** (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири
- Дониёр МУРАТОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент
- Одил ЭРНАЗАРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2023 йил 7 мартдаги 03-07/1503-сонли ҳулосаси асосида тайёрланди.

МУНДАРИЖА

- Nigora Yusupova.** Исломда гендер тенгликнинг ўзига хос тамойиллари3
- Shoislom Akmalov.** Янги Ўзбекистон маърифий тақомилида илмий марказларнинг ўрни12
- Ilhomjon Bekmirzayev, Azamkhan Kambarov.** “Ҳидоя” асарининг ёзилиш тарихи ва унинг турли тиллардаги таржималари19
- Nematulla Nasrullayev.** Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Тавзиҳ” асари манбалари ҳақида29
- Muhabbatkhan Agzamova.** “Тарих ар-Русул вал-мулк” асарида ислом манбалари асосидаги ривоятларнинг баён этилиши41
- Nigora Khakimova.** “Маҳосин” асарида енгиллаштириш тамойилининг қўлланилиши48
- Bakhodir Daminov.** Жамиятда диний мутаассибликни вужудга келтирувчи турли омиллар таҳлили55
- Bakhodir Pirmukhamedov.** Маҳмуд Замахшарийнинг “Рабиъ ал-аброр” асарининг методологияси65
- Akhmadkhan Alimov.** Мотуридий уламоларининг калом илми ривожига қўшган ҳиссаси72
- Abdulaziz Yakhshilikov.** Сабаби нузул илми ривожланиш босқичларини тадқиқ этишнинг назарий масалалари83
- Ikhtiyor Abdurahmonov.** “Шарҳ ат-Таъвилот” асари қўлёзмаларининг манбашунослик тавсифи91
- Mamurjon Erkayev.** Ижара ақди билан боглик оятлар таҳлили98
- Nodir Shomirzayev.** Реабилитация тушунчасининг шаклланиши ва диний реабилитациянинг ривожланиш тарихи107
- Ulugbek Jorayev.** Туркия тарихида мотуридийлик таълимотининг ривожланиш босқичлари таҳлили118
- Jasurbek Abduqodirov.** The role of Imam Maturidi's mausoleum in the development pilgrimage tourism in Uzbekistan124
- Pirnazar Rajapov.** Saljuqiylar davlatining shakllanish jarayoni (1038–1157)130
- Абу Мансур Мотуридий** (тарихий романдан парча)140

Shoislom I. AKMALOV,
*Associate Professor of the International
Islamic Academy of Uzbekistan,
candidate of political sciences.
11, A.Kadiri str. 100011,
Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: shakmalov@gmail.com*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-1/2

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАЪРИФИЙ ТАКОМИЛИДА ИЛМИЙ МАРКАЗЛАРНИНГ ЎРНИ

THE ROLE OF SCIENTIFIC CENTERS IN THE EDUCATIONAL DEVELOPMENT OF THE NEW UZBEKISTAN

РОЛЬ НАУЧНЫХ ЦЕНТРОВ В ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОМ СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА

КИРИШ

Маълумки, жамият маънавий ҳаёти, унинг маърифий тақомили илм-фан, маданият ривожини билан белгиланади. Қаердаки илм-фанга эътибор берилса, ўша ерда соғлом маънавий муҳит, ривожланиш юзига келади. Зеро, Ренессанс, цивилизациялар жараёнлари ҳам маърифий тақомил масалалари билан белгиланади. Дарҳақиқат, тарихий жараёнлар Мовароуннахр ҳудудида IX–XII ва XIV–XV асрларда содир бўлган икки Шарқ уйғониш даври – ренессанснинг юзага келишида минтақада дунёвий ва диний илмларнинг юксак тараққий этгани муҳим омил бўлганини кўрсатади (<https://moturidiy.uz/uznews/33>). Бу тарихий ренессанс жараёнлари минтақамиз қадим тарихга эга юрт сифатида илм-фан, маданият юқори даражада ривожланган маърифат ўчоғи бўлганлигидан дарак беради. Шу жиҳатдан, тарихи, ўтмиш саҳифалари маърифат билан улугланган миллатни келажаги ҳам буюк мақсадлар йўлида қурилган бўлиши лозим. Буни англаган ҳолда бугун, Янги Ўзбекистон янги мақсадлар, улкан марралар сари илдам қадам қўймоқда. Албатта, бу йўлда илм-фан ривожини, маърифий ўзгаришлар муҳим роль ўйнайди. Тарихан илм-фан ривожини цивилизацияларни юзага келтирган экан, Янги Ўзбекистон ривожини

учун ҳам маърифий жараёнлар, фан соҳасидаги ютуқлар Учинчи Ренессанс учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “...халқимизнинг улугвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бий уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилаётган экан” (Халқ сўзи, 2020) бунда, албатта, турли фан соҳалари бўйича илмий тадқиқотлар, изланишлар олиб боришга қаратилган ҳамда фаннинг илгор гояларини жамият маънавий ҳаётига татбиқ этишга йўналтирилган марказлар фаолияти ҳал қилувчи маърифий вазифани ўтайди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Дарҳақиқат, тарихан жамият ривожини ҳамда ренессанс босқичларининг шаклланишида илмий масканлар ёки академиялар муҳим роль ўйнаган. Айниқса, табиий фанлар билан бир қаторда ислом дини, маданияти ва илм-маърифатини ўзида мужассамлаштирган илмий масканлар фаолиятининг юқори даражага етиши Шарқ ренессансини юзага келтирган ҳамда жаҳон цивилизациясига таъсир кўрсатган. Тарихий маълумотларга қўра, ўрта аср мусулмон Шарқи мамлакатларида фаолият кўрсатган илмий ва маданий муассасалар (институтлар), қўлэмалар жамланган кутубхоналар, илк расадхоналар, таржима марказлари ҳамда муайян шаҳарлар ёки ҳукмдорларнинг саройида ташкил топган илмий мактаблар низоҳатда кўп бўлган. Бу илмий маскан ёки марказларнинг умумий сони ўндан ортиқ эканлигини кўрсатади. Чунончи, Бағдоддаги “Байт ал-хикма” (IX аср), Бухородаги “Сиван ал-хикма” (X аср), Қоҳирадаги “Дар ал-хикма” (XI–XII асрлар), Марогадаги Насируддин Тусий ишлаган расадхона (у ҳам “Дор ал-хикма” деб юритилган), Хоразмдаги ал-Маъмун (XI аср) ва Самарқанддаги Улугбек академияси (XIV аср) қабиларни тилга олиш мумкин (Абдуҳалимов Б., 2004:4). Ҳатто, Термизда қизлар байтул ҳикмаси фаолият кўрсатиб, бу масканга Ҳаким Термизийнинг завжалари ва қизлари раҳнамонлик қилишган. Мазкур илмий масканга дунёнинг турли жойларидан саралаб келтирилган қирқ қиз илмда, санъатда, адабиёт, табobat, спортда юқори натижаларга эришган бўлиб, қамолга етган қизлар кейинчалик ўз ҳудудларида ҳам шундай маърифат масканларини ташкил этганлар. Уларнинг фаолияти эса, ижтимоий аҳамият касб этиб, бутун Шарққа ёйилган (Мирзо М., 2021:3–4).

Аннотация. Марказий Осиё цивилизацияси ёки ренессансини белгиловчи жиҳатлардан бири бу ислом илмларининг минтақада кенг равиқ топганили ва буюк муҳаддис, тафсиришунос, фақиҳ, мутакаллим, мутасаввиф, тилишунос олимларнинг етишиб чиққанлиги билан характерланади. Хусусан, ислом илмлари, илм-фан ривожси минтақада йирик илмий мактаб ва илмий масканларнинг юзага келишига ҳамда кенг ривож топшиига сабаб бўлган. Шу жиҳатдан, ўз даврида ренессансларни юзага келтирган илмий маскан ёки академияларнинг илмий-амалий фаолияти, уларнинг давлат ва жамият ижтимоий-маънавий ҳаётида ҳамда илм-фан, ислом маданияти ривожси йўлидаги ўрни масалалари бугунги кунда ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Чунончи, уларнинг узвий давоми ҳисобланган бугун фаолият олиб бораётган диний-маърифий йўналишидаги илмий-тадқиқот марказлари ҳам Янги Ўзбекистон маърифий ривожси учун муҳим ўрин тутати. Бугун янги-ча мезонлар асосида фаолияти йўлга қўйилган илмий-тадқиқот марказлари Янги Ўзбекистонни Учинчи Ренессанс босқичга олиб чиқишида асосий маърифий маскан вазифасини ўтайди. Мазкур илмий-тадқиқот марказлар фаолиятини ўрганиш, тадқиқ этиш, жамият ва давлат маърифий ривожси йўлидаги илмий-амалий аҳамиятини кўрсатиш, марказларнинг мақсад ва вазифалари, фаолият йўналишининг ҳозирги жиҳатларини ёритиш бугунги глобализув даврида муҳим ҳисобланади. Айниқса, “Учинчи Ренессанс – Янги Ўзбекистон” ҳозирги тартиб қилиш ва амалга оширишида мазкур марказлар фаолияти муҳим маърифий вазифани бажаради. Шу жиҳатдан, мақолада марказлар фаолияти, мақсад ва вазифалари тарихий-қиссий жиҳатдан муайян даражада таҳлилга тортилган ҳамда мисоллар асосида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: тамаддун, ислом илмлари, ренессанс, марказ, маскан, маърифат, ривожланиш, мерос, маънавият, маданият, тадқиқот, минтақа, ғоя, фан, соҳа, юксалиш, тараққиёт.

Abstract. One of the defining aspects of the Central Asian civilization or Renaissance is characterized by the widespread development of Islamic sciences in the region and the emergence of the great muhaddiths, mufasssirs, jurists, mutakallims, mystics, and linguists. In particular, the development of Islamic sciences and science led to the emergence and wide development of large scientific schools and scientific centers in the region. In this respect, the scientific and practical activities of scientific institutions or academies that created renaissances in their time, their role in the social and spiritual life of the state and society, and the development of science and Islamic culture are still important today. For example, religious-educational scientific-research centers operating today, which are considered their organic continuation, also play an important role in the educational development of New Uzbekistan. Today, scientific research centers established based on new criteria serve as the main educational center in bringing New Uzbekistan to the Third Renaissance stage. It is important in today's era of globalization to study and research the activities of these research centers, to show their scientific and practical significance in the way of the educational development of society and the state, to clarify the goals and tasks of the centers, and the ideological aspects of the direction of activity. In particular, the activities of these centers play an important educational role in promoting and implementing the idea of “Third Renaissance - New Uzbekistan”. In this regard, the article analyzes the activity, goals, and tasks of the centers at a certain level from a historical-comparative point of view and illuminates them on the basis of examples.

Keywords: civilization, Islamic sciences, renaissance, center, abode, enlightenment, growth, heritage, spirituality, culture, research, region, idea, science, field, rise, development.

Аннотация. Один из определяющих аспектов среднеазиатской цивилизации или ренессанса характеризуется широким развитием исламских наук в регионе и появлением великих мухаддисов, толкователей Корана, исламских правоведов, мутакаллимов и лингвистов. В частности, развитие исламских наук и науки привело к возникновению и широкому развитию в регионе крупных научных школ и научных центров. В этом отношении научная и практическая деятельность научных учреждений или академий, создававших в свое время ренессансы, их роль в социальной и духовной жизни государства и общества, развитие науки и исламской культуры и сегодня имеют большое значение. Например, действующие сегодня религиозно-образовательные научно-исследовательские центры, которые считаются их органичным продолжением, также играют важную роль в образовательном развитии Нового Узбекистана. Сегодня научно-исследовательские центры, созданные на основе новых критериев, служат основным образовательным центром в выводе Нового Узбекистана на этап Третьего Возрождения. В современную эпоху глобализации важно изучить и исследовать деятельность этих научных центров, показать их научную и практическую значимость на пути развития общества и государства, уточнить цели и задачи центров, идеологические аспекты направлений их деятельности. В частности, деятельность этих центров играет важную воспитательную роль в продвижении и реализации идеи “Третий Ренессанс – Новый Узбекистан”. В связи с этим в статье с историко-сравнительной точки зрения анализируются деятельность, цели и задачи научных центров, а также их вклад в развитие духовно-просветительской жизни страны.

Ключевые слова: цивилизация, исламские науки, ренессанс, центр, обитель, просвещение, развитие, наследие, духовность, культура, исследование, регион, идея, наука, поле, подъем, развитие.

Х аср охирларида Маъмун томонидан ташкил этилган Гурганждаги “Байтул ҳикма” (Дониш-мандлар уйини)да ҳам улуг мутафаккирлардан Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Ибн Ҳаммар, Абу Саҳл Масихий, Ибн Ироқ, Аҳмад Фаргоний қабилар ижод қилишган (Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005:47–480). XV асрда эса, Самарқандда Мирзо Улугбек асос солган илмий мактаб ҳам самарали фаолият юритиб, улуг аждодларимиз томонидан математика, астрономия, физика, кимё, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ фанлар қатори тарих, жугрофия, фалсафа, маданият ва санъат, архитектура соҳаларида буюк илмий гоёлар ва кашфиётлар яратилган. Шунингдек, ислом динининг мазмун-моҳиятини чуқур тадқиқ қилишга ва тарғиб этишга бағишланган бетакрор асарлар ёзилган (<https://ishonch.uz/archives/7626>). Шу жиҳатдан, олимлар “Муслумон Ренессанси” Маъмун академиясидан бошланиб, Мирзо Улугбек академияси билан тугайдиган етти асрлик даврни камраб олганлигини таъкидлайдилар (Хўжаёров А., 2021:116). Бундан кўринадики, минтақамизда ривожланган илм-фан, маърифий уйғониш, яъни ренессанс жараёни илмий масканлар фаолияти билан белгиланган. Шу жиҳатдан, Янги Ўзбекистонни Учинчи Ренессанс босқичга олиб чиқишда бугунги диний-маърифий йўналишдаги илмий-тадқиқот марказлар фаолияти муҳим маънавий вазифани бажаради.

МУҲОКАМА

Дарҳақиқат, Шарк ренессансига юқори таъсир кўрсатган тарихан шаклланган илмий масканлар моҳиятан ислом маданияти, илм-фани ривож билан юқори даражага кўтарилганлигини кўрсатади. Бугун фаолият олиб бораётган Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ҳамда Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази диний-маърифий йўналишда бўлиб, ислом маданияти, илм-фани ривожига эътибор қаратганлиги билан аҳамиятлидир. Тарихан мавжуд масканлар билан бугунги илмий марказлар фаолиятида давлат ва жамият маърифий ҳаётини юксалтиришга қаратилган умумийлик, мазмунан уйғунлик, узвийлик ва ўзаро алоқадорлик борлигини англаш мумкин. Дарҳақиқат, тарихан мавжуд масканлар илмий-амалий фаолияти билан ўз даври тамаддунига ҳисса қўшган бўлса, Янги

Ўзбекистон маърифий ривож учун бугунги илмий-тадқиқот марказлари ҳам ўз фаолияти, мақсади, вазифалари, гоёвий йўналиши билан юқори аҳамият касб этади.

Шунингдек, ўз моҳияти билан илмий-тадқиқот маркази бўлган мазкур муассасаларда илмий тадқиқот ишлари, изланишлар йўлга қўйилиб, янги-янги илмий маълумотлардан юртимиз ҳамда халқаро жамоатчиликни хабардор қилиш мақсад қилинганини амалга оширилаётган кенг қўламли ишлардан билиш мумкин. Бундан ташқари, диний-маърифий йўналишдаги мазкур марказлар минтақамизда шаклланган ва ўз даврида ренессанс босқичга олиб чиққан ислом илмларининг етук пешволари бўлган муҳаддис, тафсируносо, мутакаллим, мутасаввиф, факих, тилшунос, адабиётшунос каби олимлар фаолияти, бой меросини қўлёзма манбалар асосида тадқиқ этиш ҳамда ислом маданияти, илм-фан ютуқларини чуқур ўрганиш ва илмий-бадний асарлардаги гоёвий жиҳатларини ёритган ҳолда бугунги авлод онгу шуурига сингдириш каби улкан вазифаларни амалга оширишни ҳам кўзда тутган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, марказлар ислом илмлари борасидаги тадқиқотлари билан диний билимга ташна халқни баҳраманд этишда маърифий маскан вазифасини ўтайди.

Илмий-тадқиқот марказлар фаолияти йўналишида умумийлик билан бирга, баъзи ўзига хос фарқли жиҳатлар ҳам борлигини таъкидлаш ўринлидир. Хусусан, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази (2008 йил 23 майдаги ПҚ-873-сонли Қарори асосида ташкил этилган) ҳамда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази (2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2774-сон Қарори асосида ташкил этилган) илмий-маърифий фаолиятида асосан минтақамизда шаклланган ҳадис илми, унинг шаклланиш босқичлари ҳамда Имом Бухорий, Имом Термизий каби муҳаддислар илмий меросини алоҳида ҳолда чуқур ўрганиш, шунингдек, Мовароуннахр муҳаддисларининг ҳаёти ва фаолияти, ҳадис илми ривожидagi ўрни масалаларини тадқиқ этишга қаратилган илмий фаолиятни амалга оширади.

Маълумот сифатида таъкидлаш лозимки, марказ тадқиқотчи олимларининг ҳадис илми борасидаги изланишлари минтақамизда уч мингдан ортқик таникли муҳаддислар фаолият олиб борганини ҳамда Самарқанд, Шош, Кеш, Бухоро ва Насаф шаҳарлари ислом оламидаги энг нуфузли илм марказлари қаторидан бўлганини кўрсатади. Шунингдек, Имом Кеший, Имом

Бухорий, Имом Доримий, Имом Муслим каби машхур мухаддислар Кешда учрашиб, шу ерда бир муддат яшаб, ҳамкорликда фаолият олиб борган ва дунёнинг кўплаб ислом динига этиқод қиладиган давлатларидан талабалар келиб, мазкур мухаддислардан илм ўрганишган (Умаров Ш., 2014:1). Албатта, бу каби ҳадис ва бошқа ислом илмлари борасидаги кенг илмий тадқиқотлар Имом Бухорий илмий-тадқиқот маркази таъсислигида нашр этиб келинаётган “Имом Бухорий сабоклари” илмий-маърифий журнал саҳифаларида бериб борилаётган турли мавзулардаги қизиқarli ва мазмунли илмий материаллар оркали билиш мумкин. Дарҳақиқат, шу вақтга қадар журнал саҳифаларида эълон қилиниб келинаётган хилма-хил мавзулардаги материаллар ҳажми ниҳоятда катта ва кенг қамровли бўлиб, илмий маълумотлар манбалар асосида ўрганилган ҳолда кенг жамоатчилик ва хориж исломшунос, шарқшунос олимларини ислом илмларидан хабардор этиб, Ўзбекистоннинг ислом тамаддунига қўшган ҳиссаси борасидаги қизиқишларини ошириб келмоқда. Шунингдек, марказ ходимлари ва исломшунос олимлар томонидан фақат ҳадис илми эмас, балки кенг маънода ислом илмлари республика ва хориж фондларида сақланаётган кўлзма манбалар, нодир асарлар оркали кенг тадқиқ этилиб, жамият маърифий ҳаёти учун янги илмий-адабий маълумотларни беришга хизмат қилмоқда. Албатта, илмий-тадқиқот марказлар томонидан республиканинг маънавий-маърифий ривожига йўлдаги ҳамда хорижий ислом тадқиқотлари билан ҳамкорликдаги илмий-амалий фаолияти таҳсинга сазовор ишлардандир.

Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази (2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон Қарори асосида ташкил этилган)нинг фаолият юритиши ҳам Янги Ўзбекистон маърифий ривожига йўлдаги муҳим қадамлардан бўлди. Тарихан мавжуд илмий масканлар сингари мазкур марказ ҳам Янги Ўзбекистонни Учинчи Ренессанс босқичга олиб чиқишга, ислом маданияти, илм-фанини бугунги давр билан уйғунлаштирган ҳолда тадқиқ этишга хизмат қиладиган замонавий илмий мажмуалардан бўлиши кўзда тутилган. Бу хусусида, Президент Шавкат Мирзиёев марказга таширф чоғида “Мазкур марказ Учинчи Ренессанс пойдеворидан бири бўлишига умид қиламиз. Чунки у “Учинчи Ренессанс – Янги Ўзбекистон” гоёсини тарғиб қилиш йўлида илмий, дунёвий,

замонавий марказ бўлади”, деган эди (<https://president.uz/uz/lists/view/4115>).

Шу жиҳатдан, мазкур марказ олдига улғувор максадларни амалга оширишга доир улкан вазифалар қўйилди. Хусусан, муқаддас ислом дини билан боглиқ бой меросни илмий тадқиқ этиш, унинг Марказий Осиё цивилизацияси ривожидagi ўрнини инновацион усуллар оркали тарғиб қилиш; Ўзбекистонда юз берган умуммиллий юксалишлар, тарихий ренессансларнинг илдиэлари ва мазмун-моҳиятини мамлакат аҳолисига етказиш бўйича зарур чораларни кўриш; буюк аждодларнинг жаҳон тамаддуни, диний ва дунёвий илмлар ривожига қўшган ҳиссасини энг замонавий усуллар ва воситалар оркали ёритиб бориш; илм-фаннинг жадал тараққиётини кўрсатиб берувчи сермазмун экспонатлар фонди, кўлзма ва замонавий нашрлардан иборат бой кутубхоналар тизимини шакллантириш ҳамда уларнинг жаҳон музейлари ва кутубхоналари тармоғига улашишини таъминлаш; ислом тарихи ва маданияти йўналишига оид билимларни ошириш, қадимий кўлзма ва тошбосма асарларни таъмирлаш, қозғош, китобат, муқовасозлик, хаттотлик санъатини тиклаш, ислом манбаларини ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш; “Учинчи Ренессанс – Янги Ўзбекистон” гоёсининг мазмун-моҳиятини, жумладан, унинг илм-фан ривожига, динлараро ва миллатлараро бағрикенглигини таъминлашдаги роли ва аҳамиятини жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилиш қабилардан иборатдир (<https://www.gazeta.uz/uz/2021/07/17/centre/>). Мазкур вазифалар давлат ва жамият маънавий-маърифий ҳаётини тўлиқ қамраб олган ҳолда илм-фан ва ислом маданияти ривожига қаратилган илмий-амалий фаолият ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, марказ таъсислигида нашр этилаётган “Ўзбекистон – ислом цивилизацияси маркази” номли маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал саҳифаларида исломшунослик, манбашунослик, матншунослик, адабиёт, тарих фанларига доир фундаментал тадқиқотлар, ислом маданияти, илм-фанига оид илмий-назарий, таҳлилий материаллар эълон қилиниб келинмоқда. Шу ўринда, маълумот сифатида айтиш лозимки, марказ тадқиқотчи олимлари томонидан 24 номдаги илмий-оммабоп адабиёт, 11 та ёзма манба таржима қилинган ва нашр этилган. Бундан ташқари, республика фондларида сақланаётган 52 минг 255 та (шундан 21 минг

670 та қўлёзма, 30 минг 585 та тошбосма) қадимги ёзма манбалар тўғрисида маълумотлар базаси яратилиб, уларнинг илмий таҳлили асосида 4 мингта ёзма манбанинг реестри (паспорти) тайёрланган. Давлат реестрининг 1–3-жилдлари чоп этилиб, ҳар бир жилдга 100 тадан қўлёзма ҳақида маълумот киритилган. Шу билан бирга, марказ фондига аҳоли ва шахсий коллекциялардан 626 та қўлёзма ва 85 та тошбосма асарлар, жами 1611 та манба қабул қилинган (<https://uza.uz/uz/posts/islom-4342>). Марказ томонидан амалга оширилган бу каби илмий-маърифий ишларни қатор келтириш мумкин. Албатта, бу каби илмий-амалий ишлар марказ ўз маънавий-маърифий фаолияти йўлида илдам қадамлар қўйганлигидан далолатдир.

НАТИЖА

Дарҳақиқат, минтақамизда фаолият кўрсатган Маъмун академияси ҳамда Мирзо Улугбек академияси ўз даврида Мовароуннахрни ренессанс босқичга олиб чиққан ва жаҳон цивилизациясига таъсир кўрсатган эди. Шу жиҳатдан, бугун улугвор мақсадлар йўлида қад ростлаган Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази ҳам тарихий масканларнинг узвий давомии сифатида Ўзбекистонни Учинчи Ренессанс босқичига олиб чиқишига ва дунё тамаддунига таъсир кўрсатиб, илм-фан ривожига ҳисса қўшишига етарлича асос ва замин бор, дейиш мумкин. Албатта, бунини амалга ошириш йўлида юртимиз исломшунос, шарқшунос, манбашунос олимлари зиммасига улкан вазифаларни юклаган ҳолда чуқур илмий тадқиқот ва изланишларни талаб этади.

Шунингдек, юртимизда энди фаолияти бошланган Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази (2020 йил 11 августдаги ПҚ-4802-сон қарори билан ташкил этилган) ҳам бугунги глобаллашув шароитида калом илмини чуқур ўрганиш, ислом ақидаларини илмий-назарий тадқиқ этган ҳолда халққа етказиш ва бу орқали соф этиқодни шакллантириш йўлидаги илмий-амалий қадамлардан бўлди. Чунончи, бугун этиқодий таҳдидлар, нотўғри диний талкилар қучайган шиддатли бир даврда тўғри илмий ёндашувни шакллантириш, гоёят нозик этиқодий масалаларни ҳолис баҳолаш ва таҳлил этишда калом, ақида илми долзарблик касб этмоқда. Бу борада, Босния собик муфтийси, Бутунжаҳон боснияликлар конгресси президенти Мустафо

Черич “Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ташаббусини биз яшаб турган асрдаги энг улугвор иш, деб ҳисоблайман” дея қўллаб-қувватлаган ҳолда юқори баҳо берган эди. Ал-Азҳар ислом тадқиқотлари мажмуаси Бош котиби Назир Аййад эса, “Мотуридийлик таълимоти исломий тафаккурнинг мўътадил рамзидир” деган бўлса, мисрлик илоҳиётшунос олим Аҳмад Даманхурий “Ислом олами Имом Мотуридийнинг илмий мероси, мотуридийлик таълимоти ва ушбу таълимотнинг эзгу гоёларини тарғиб қиладиган ана шундай илмий марказга катта эҳтиёж сезмоқда”, дея юқаск эътироф этган (<https://moturidiy.uz/uz/news/33>).

Марказ ўз фаолиятининг асосий вазифалари сифатида ақида ва калом илми ривожига бекиёс ҳисса қўшган Имом Мотуридий ва унинг издошлари бўлган алломаларнинг улкан илмий, диний-маънавий меросини чуқур ўрганиш, улар яратган асарларнинг илмий-изоҳли таржима ва қиёсий матнларини нашр этиш, халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб қилиш; ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, маърифий-маданий роли ва ривожланиш йўналишларини илмий асосда ўрганиш ва кенг афкор оммага, жумладан, халқаро жамоатчиликка етказиш; Имом Мотуридий, Абул Муин Насафий каби алломаларнинг калом илми ривожига қўшган ҳиссаси ва унинг тараққиётида тутган ўрнини чуқур тадқиқ этиш, ёш авлодни миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, тинчлик-тотувлик каби ислом динининг асл қадриятлари руҳида тарбиялаш; мамлакатимиз ҳамда хорижий давлатларнинг кутубхоналари ва архив фондларида сақланаётган буюк алломаларимизнинг калом илмига оид мероси ҳамда ислом дунёси учун муҳим илмий аҳамиятга эга бўлган қўлёзма, тошбосма асарларнинг асл ҳамда электрон нусхаларини тўплаш ва келажак авлодга етказиш учун тизимли илмий тадқиқотларни ташкил этиш; исломий илмлар, хусусан, калом илми тарихи ва унинг бугунги кундаги аҳамиятини илмий тадқиқ этиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кучайтириш; “жаҳолатга қарши маърифат” гоёси асосида ислом динининг илм-маърифат, маънавий поклик, тинчлик-осойишталик, тараққиёт ва бунёдкорликка қакирувчи гоёларини халқимиз, айниқса, ёшларга етказиш ва бошқа шу қабилида белгиланди (<https://www.xabar.uz/jamiyat/imom-moturidiy-xalqaro-ilmiy-tadqiqot>). Қўрнидаки, Марказнинг асосий фаолияти ақида, калом илми

масалалари тадқиқига қаратилган бўлиб, халқни, айниқса, ёшларни турли ёт гоя ва диний оқимлар қарашларидан ҳимоялаган ҳолда соф эътиқодни шакллантиришдан иборатдир. Бинобарин, мазкур Марказ мотуридийлик таълимотига оид ақидавий манбаларни илмий асосланган ҳолда чуқур тадқиқ этиш ва бу меросни кенг жамоатчиликка, хусусан ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, бугунги глобаллашув даврида ақида масалаларида илгари сурилаган нотўғри тушунча ва қарашларни мотуридийлик таълимоти мезонида туриб тузатиш, шу билан бирга, жамиятда соғлом эътиқодни шакллантириш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш мақсадида ташкил этилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади (Азимова Л., 2021:10).

Шунингдек, марказнинг вазифаларидан бири сифатида олинган “жаҳолатга қарши маърифат” гояси ҳам IX–X асрларда турли ақида ва қарашларнинг жамият маънавий ҳаётига салбий таъсири кучайган бир даврда Мотуридий томонидан илгари сурилган эди. Хар бир даврда бўлгани каби бугунги кунда ҳам инсон эътиқоди, ақидасига қаратилган хуружлар кучайганлиги ва кенг миқёсдаги ўзаро низо, талофатларни юзага келтираётганлигини кўриш мумкин. Шу жиҳатдан, марказ фаолияти тўғри эътиқодни шакллантириш йўлида илмий-маърифий аҳамият касб этади. Албатта, бу борада амалга оширилган илмий-амалий ишларни қатор келтириш мумкин. Жумладан, марказ олимлари томонидан қисқа вақт ичида классик ислом манбаларининг тадқиқи йўналишида Имом Мотуридийнинг Қуръон тафсирига бағишланган “Таъвилот ал-Қуръон” асарининг 2-жузи, Бурҳониддин Маргинонийнинг фикҳ илмига оид “Ҳидоя” асари 1-жузи ҳамда Мулла Али Қорининг “Шарҳ ал-Фикҳ ал-акбар” асарининг тўлиқ ўзбек тилидаги таржима-си китоб ҳолида ҳамда бугунги куннинг долзарб масалаларига жавоб сифатида “Мутаассибликка қарши мўътадиллик”, “Долзарб раддиялар”, “Ислом никобидаги мутаассиб гуруҳлар” каби китоблар ва ўқув-услубий қўлланма, рисоалар нашр этилди. Шунингдек, бугунги кунга қадар Туркиянинг “Аё София”, “Мурод Мулла”, “Атиф афанди” каби қўлёзма фондларида сақланаётган жами 10 000 га яқин ноёб қўлёзма манбаларнинг электрон нусхалари жамланиб, уларни тадқиқ этиш, хусусан, каталогини яратиш устида иш олиб борилаётганини мамнуният билан таъкидлаш ўринли (<https://moturidiy.uz/uz/news/33>).

Марказтаъсислигида “Мотуридийлик” маънавий-маърифий, илмий-адабий журнали нашр

этилмоқда. Мазкур журнал саҳифаларида тадқиқотчи олимлар томонидан калом илми, ақида масалалари ва ислом илмларига оид туркум материаллар бериб борилмоқда. Журнал саҳифаларида эълон қилинган илмий-адабий материаллардан билиш мумкинки, минтақамизда ислом илмлари юқори босқичга етганлигидан далолат беради. Чунончи, исломшунос олимларнинг тадқиқотларига кўра, Мовароуннаҳрда IX–XII асрларда ҳадис, тафсир, фикҳ ва ақоид каби исломий илмлар ниҳоят даражада тараққий этганлигини кўрсатади (Мансуров Ё., 2010:258).

ХУЛОСА

Умуман олганда, юртимиз қадимдан илм-фан ривожланган, Шарқ ва Ғарб цивилизацияси кесишган тараққиёт ўчоғи бўлиб келган. Бу заминдан ислом маданияти, илм-фани тамаддунига бекиёс ҳисса қўшган муҳаддис, мутакаллим, мутасаввиф, файласуф олимлар етишиб чиқиб, илмий изланиш ва кашфиётлари билан Мусулмон ренессансини юзага келтирганлар. Шундай экан, илдизи бақувват, тарихда буюк ренессансларни бошлаб берган юртимизни бугун фаолият олиб бораётган марказлар ўз маънавий-маърифий ҳамда илмий-тадқиқот ишлари билан Янги Ўзбекистонни Учинчи Ренессанс босқичига олиб чиқишга хизмат қилади. Бинобарин, мазкур марказлар маданий меросимизни чуқурроқ тарғиб этиш, халқимиз маънавий салоҳиятини юксалтириш ҳамда ёш авлод онгу шуурига миллий хусусиятларимизни сингдиришда муҳим ўрин тутиши билан аҳамиятлидир. Бундан ташқари, марказлар фаолиятини ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маърифий жиҳатларини бугунги кун нуктаи назардан ўрганиш ва илмий-амалий фаолиятини ёритиб бериш масаласи тадқиқотчиларимиз олдида турган вазифалардан ҳисобланади. Zero, бу тадқиқотлар Янги Ўзбекистоннинг илмий маънавий-маърифий тараққиёт янгиҳа мезонлар асосида таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдуҳалимов Б. (2004). “Байт-ал – ҳикма” ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти (IX–XI асрларда аниқ ва табиий фанлар). Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси.
2. Мансуров Ё. (2010). Носируддин Самарқандий – буюк аллома. Имом Бухорий сабоқлари, 4-сон.

3. Умаров Ш. (2014). Марказий осиёлик муҳаддислар ўртасидаги илмий aloqalar. Imom Buxoriy saboqlari, 4-son.
4. “Xalq s’zi” gazetasi, 2020 йил, 1 октябрь.
5. Азимова Л. (2021). Ajdodlar merosi – bebaho xazina: allomalarning ilmiy va ijodiy merosi // Yangi O‘zbekistonning iste’dodli yoshlari. 3-ilmii ishlar t’plami. Toshkent: “Ta’lim” nashriyati.
6. Мирзо М. (2021). Ренессанс – инсоният тараққиётининг дурдонаси. // Yangi O‘zbekistonning iste’dodli yoshlari. 3-ilmii ishlar t’plami. Toshkent: “Ta’lim” nashriyati.
7. Муаллифлар жамоаси. (2005). O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi. Ж. 9. Toshkent: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” davlat ilmiy nashriyati.
8. Хўжаёров А. (2021). O‘zbekistonda uchinchi renessans: tarixiy ilbizlari va hozirgi zamon // Yangi O‘zbekistonning iste’dodli yoshlari. 3-ilmii ishlar t’plami. Toshkent: “Ta’lim” nashriyati.
9. Махсудов Д. Имом Мотуридий ва унинг издошларига кўрсатилаётган юксак эътибор // <https://moturidiy.uz/uz/news/33>.
10. Хайдаров А. Марказий Осиё дурдонаси. [Ishonch.uz](https://ishonch.uz/archives/7626) <https://ishonch.uz/archives/7626>
11. Ислом цивилизацияси маркази: дин, илм ва замонавийлик уйғунлиги // <https://president.uz/uz/lists/view/4115>
12. Ислом цивилизацияси маркази трансформация қилинади – O‘zbekiston yangiliklari – Газета.uz. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/07/17/centre/>
13. Ислом цивилизацияси маркази: эзгулик ва маърифат йўлида амалга оширилган ишлар кўлами кенг // <https://uza.uz/uz/2021/07/17/centre/>
14. Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази очилади. // [xabar.uz](https://www.xabar.uz/jamiyat/imom-moturidiy-xalqaro-ilmiy-tadqiqot) <https://www.xabar.uz/jamiyat/imom-moturidiy-xalqaro-ilmiy-tadqiqot>
6. Umarov Sh. (2014). Markaziy osiyolik muhaddislar o‘rtasidagi ilmiy aloqalar. Imom Buxoriy saboqlari, Issue№4.
7. Xo‘jayorov A. (2021). O‘zbekistonda uchinchi renessans: tarixiy ildizlari va hozirgi zamon // Yangi O‘zbekistonning iste‘doli yoshlari. 3rd collection of scientific articles. Tashkent: “Ta‘lim” publishing house.
8. Maxsudov D. Imom Moturidiy va uning izdoshlariga ko‘rsatilayotgan yuksak e‘tibor // <https://moturidiy.uz/uz/news/33>.
9. “Xalq so‘zi” newspaper, October, 1, 2020.
10. Haydarov A. Markaziy Osiyo durdonasi. [Ishonch.uz](https://ishonch.uz/archives/7626) <https://ishonch.uz/archives/7626>
11. Islom sivilizatsiyasi markazi: din, ilm va zamonaviylik uyg‘unligi // <https://president.uz/uz/lists/view/4115>
12. Islom sivilizatsiyasi markazi transformatsiya qilinadi – O‘zbekiston yangiliklari – Газета.uz. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/07/17/centre/>
13. Islom sivilizatsiyasi markazi: ezgulik va ma‘rifat yo‘lida amalga oshirilgan ishlar ko‘lami keng // [Uza.uz](https://uza.uz/uz/posts/islom-4342) <https://uza.uz/uz/posts/islom-4342>.
14. Imom Moturidiy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi ochiladi. // [xabar.uz](https://www.xabar.uz/jamiyat/imom-moturidiy-xalqaro-ilmiy-tadqiqot) <https://www.xabar.uz/jamiyat/imom-moturidiy-xalqaro-ilmiy-tadqiqot>

REFERENCES

1. Abdulhalimov B. (2004). “Bayt-al – hikma” va O‘rta Osiyo olimlarining Bag‘doddagi ilmiy faoliyati (IX–XI asrlarda aniq va tabiiy fanlar). Tashkent: Tashkent islamic university publishing house.
2. Azimova L. (2021). Ajdodlar merosi – bebaho xazina: allomalarning ilmiy va ijodiy merosi // Yangi O‘zbekistonning iste‘doli yoshlari. 3rd collection of scientific articles. Tashkent: “Ta‘lim” publishing house.
3. Mansurov Y. (2010). Nosiruddin Samarqandiy – buyuk alloma. Imom Buxoriy saboqlari, Issue№4.
4. Mirzo M. (2021). Renaissance – humanity’s progress – the gem of science. // Yangi O‘zbekistonning iste‘doli yoshlari. 3rd collection of scientific articles. Tashkent: “Ta‘lim” publishing house.
5. Mualliflar jamoasi. (2005). O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi. Vol. 9. Tashkent: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” state publishing house.



**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ
“МОТУРИДИЙЛИК” ЖУРНАЛИ**

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари, талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуктаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.
Журналдан кўчирма олинганда манба кайд этилиши шарт.

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матүридизм

1/2023

Бош муҳаррир: **Ж.Каримов**

Муҳаррир: **З.Фахриддинов**

Нашр учун масъул: **З.Арслонов**

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: **О.Сотволдиев**

Дизайнер-саҳифаловчи: **З.Ғуломов**

Манзилимиз: Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази, 100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

Тел: (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** www.maturidijournal.uz

E-mail: info@moturidiy.uz

Наشريётнинг лицензия рақами АИ № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 03.05.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 ¼.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табағи 10,2.

Нашр табағи 10,4. Буюртма № 06.

Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон халқаро ислом академияси”

наشريёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.

100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.



IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية

Jurnalga maqolalar qabul qilish
uchun maxsus veb-sayt:

 www.maturidijournal.uz

 +998971 244-35-36

 www.moturidiy.uz

   @moturidiyuz

 info@moturidiy.uz